3. Постановлением Кабинета Министров Республики Казахстан от 6 октября 1994 года № 1120 "Об утверждении Порядка совершения операций по взиманию, учету, зачислению и расходованию средств Пенсионного фонда Республики Казахстан" // САПП Республики Казахстан. - 1994. № 42, ст. 455;
4. Постановление Правительства Республики Казахстан. Об утверждении Порядка исчисления, перечисления обязательных пенсионных взносов и осуществления выплаты пенсий из Государственного центра по выплате пенсий // САПП Республики Казахстан. - 1997. № 53, ст. 485;
5. Постановление Правительства Республики Казахстан. Об утверждении Правил и сроков исчисления, удержания (начисления) и перечисления обязательных пенсионных взносов, обязательных профессиональных пенсионных взносов в единый накопительный пенсионный фонд и взысканий по ним // Казахстанская правда. - 2013. - 11 декабря № 334.
6. Закон Республики Казахстан от 21 июня 2013 года № 105-V "О пенсионном обеспечении в Республике Казахстан" // Казахстанская правда. - 2013. - 22 июня № 212-213;
7. Постановлением Кабинета Министров Республики Казахстан от 6 октября 1994 года № 1120 "Об утверждении Порядка совершения операций по взиманию, учету, зачислению и расходованию средств Пенсионного фонда Республики Казахстан" // САПП Республики Казахстан. - 1994. № 42, ст. 455;
10. Постановление Правительства Республики Казахстан. Об утверждении Правил и сроков исчисления, удержания (начисления) и перечисления обязательных пенсионных взносов, обязательных профессиональных пенсионных взносов в единый накопительный пенсионный фонд и взысканий по ним // Казахстанская правда. - 2013. - 11 декабря № 334;
11. Указ Президента Республики Казахстан. О Концепции дальнейшей модернизации пенсионной системы Республики Казахстан до 2030 года // Указ. - 2014;
12. Распоряжение Премьер - Министра Республики Казахстан от 19 марта 1997 года № 70-р "О Концепции реформирования системы пенсионного обеспечения в Республике Казахстан".

Нурмухаммедова Гўзалхон Баҳодировна,

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Ҳарбий-техник институти Гуманитар ва
ижтимоий фанлар кафедраси катта
ўқитувчиси, мустақил изланувчи



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2018-7-8>

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

Аннотация: Мақолада ички ишлар органларида коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назоратининг аҳамияти, бу борада жамоатчилик назорати субъектларининг ваколатлари, жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмлари тўғрисида назарий фикрлар билдирилган, шунингдек, ички ишлар органлари фаолиятида коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назоратини кенгайтириш механизмини такомиллаштириш мақсадидабир қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирилган.

Таянч сўзлар: ички ишлар органлари, коррупция, коррупцияга қарши курашиш, жамоатчилик назорати, жамоатчилик назорати субъектлари.

Нурмухаммедова Гузалхон Баходировна,

старший преподаватель кафедры
Гуманитарных и социальных дисциплин
Национальной гвардии РУз,
самостоятельный соискатель

ПОЛНОМОЧИЯ СУБЪЕКТОВ ОБЩЕСТВЕННОГО КОНТРОЛЯ ПО ПРОТИВОДЕЙСТВИЮ КОРРУПЦИИ В ОРГАНАХ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

Аннотация: В статье излагаются теоретические концепции общественного контроля над коррупцией в органах внутренних дел, механизмы общественного контроля над государственным органом, а также ряд предложений и комментариев, направленных на совершенствование механизма общественного контроля над коррупцией в деятельности органов внутренних дел.

Ключевые слова: органы внутренних дел, коррупция, противодействие коррупции, общественный контроль, субъекты общественного контроля.

POWERS OF PUBLIC CONTROL PUBLIC CONTROL AGAINST CORRUPTION IN INTERNAL AFFAIRS

Annotation: The article presents theoretical concepts of public control over corruption in the internal affairs bodies, mechanisms of public control over the state body, as well as a number of proposals and comments aimed at improving the mechanism of public control over corruption in the activities of the internal affairs bodies.

Key words: internal affairs bodies, corruption, fighting corruption., public control, subjects of public control. corruption

For citation: Nurmukhammedova G.B. POWERS OF PUBLIC CONTROL PUBLIC CONTROL AGAINST CORRUPTION IN INTERNAL AFFAIRS. Journal of Law Research. 2018, 7 vol., issue 2, pp. 48-55

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳар қандай мамлакат модернизация босқичида туриб иқтисодиёт ва бошқа ҳаётий муҳим соҳаларни бошқаришнинг янгича усулига ўтиш даврида қатор муаммоларга дуч келади.

Давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этиб, бу жараёндаги асосий вазифалардан бири коррупция билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш, унга йўл қўймаслик ҳамда самарали қарши кураш олиб боришдир.

Таъкидлаш жоизки, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қандай вазифаларни бажаришидан қатъи назар, давлат мақсадларига эришиш учун ўз функцияларини аниқ ва сўзсиз амалга ошириш, фуқароларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш ва ҳимоя қилишни таъминлаб бериш вазифаси юклатилган. Бу борада қадимги юнон файласуфи Арасту шундай деган эди: "Ҳар қандай давлат тузумида энг муҳими - бу қонунлар ва тартиб-қоидалар воситасида ишни шундай ташкил этишки, мансабдор шахслар қинғир йўл билан бойлик орттира олмасин. Давлат фаолиятининг барқарорлигини фақатгина коррупцияни бартараф этиш ҳисобидангина таъминлаш мумкин"[1].

Давлатда фуқаролар хавфсизлигини таъминланганлигини мазкур давлатдаги ҳокимият органлари, хусусан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг адолатли фаолияти билан боғланади. Шу маънода ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг ноқонуний фаолияти фуқароларнинг давлат ҳокимиятига нисбатан эътирозининг кучайиши ва ишончсизлигининг ортишига сабаб бўлади.

Зеро, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг асосий вазифаси ҳуқуқий тартиботни сақлаш, қонунни бузганларга нисбатан чора кўришдан иборат. Шу сабабли жиноятчиликка қарши кураш асосий вазифаси бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари қонунни бузиб турсалар, бошқалардан қонунларни бузмасликни талаб қилиш қанчалик тўғри бўлади?

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Қайд этиш лозимки, ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қўйи бўгинини ривожлантириш ва мустақамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

2017 йил 10 апрелдаги "Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг ПФ-5005-сонли Фармонида кейинги йилларда ички ишлар органлари фаолиятида тўпланиб қолган жиддий камчилик ва муаммолар келтирилган бўлиб, улар тирасига порахўрлик ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ҳолатлари ҳали-ҳамон учраб турганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган[2].

Коррупцияга қарши курашиш тадқиқотлар маркази - халқаро Transparency International нодавлат ноитижорат ташкилоти ҳулосасига кўра, коррупцияга мойиллик жиҳатидан полиция органлари сиёсий партиялар ва фуқаролик хизматларидан кейин учинчи ўринда жойлашган[3]. Шунинг ўзи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари соҳасида коррупциянинг мавжудлиги дунё миқёсидаги глобал муаммо эканлигидан далолатдир.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари натижасида бугунги кунда давлат органлари тизимида коррупцияга қарши курашиш, жамоатчилик назорати институти, алоҳида ички ишлар органлари фаолиятини тартибга солиш соҳаларида қатор ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилди ва энди олдимизда турган асосий вазибалардан юқорида келтирилган ҳужжатларнинг ишлаш механизмини жорий этиш бўлиб қолмоқда.

Жумладан, 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни[4]га кўра, ички ишлар органлари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси каби вазибаларни бажарар экан, мана шу ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида суиистеъмолликларга йўл қўймаслиги талаб этилади.

Шундай экан, ички ишлар органлари фаолияти устидан фуқаролар, нодавлат ноитижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати - фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига ички ишлар органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан оғишмай риоя этилишини, улар ўз олдида турган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, гуманитар ҳамда бошқа соҳалардаги вазифа ва

ваколатларни самарали амалга оширилишини таъминлашга қаратилгани билан долзарб аҳамият касб этади.

Зеро, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонун[5]нинг 3-моддасида жамоатчилик назоратини амалга оширувчи субъектлар сифатида:

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари;
- оммавий ахборот воситалари эканлиги мустаҳкамланган.

Мазкур қонун нормасини рўёбга чиқариш механизмини шакллантириш мақсадидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир субъектнинг ички ишлар органларида коррупцияга қарши курашишда ўз ваколати доирасида қандай ҳуқуқларга эгалигини батафсил таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Барчамизга маълумки, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги шахс билан давлатнинг доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилаб берувчи мезондирки, бу алоқа уларнинг ўзаро ҳуқуқлари ва бурчларида ифодаланади. Ўзбекистон Республикаси ўз идоралари ва мансабдор шахслари орқали Ўзбекистон Республикаси фуқаролари олдида масъулдир, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси эса давлат олдида масъулдир.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги Қонун[6]нинг 4-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари сифатида қандай шахслар тан олиниши ҳуқуқий тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун[7](янги таҳрирда)нинг 3-моддасида фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари тушунчасига таъриф келтирилган бўлиб, унга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланган мустақил фаолияти деб мустаҳкамланган.

Фуқаролар шаҳарчаларда, қишлоқларда, овулларда, шунингдек шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳаллаларда ўзини ўзи бошқаришга доир ўз конституциявий ҳуқуқини фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларига мувофиқ фуқаролар йиғинлари (фуқаролар вакилларининг йиғилишлари) орқали амалга ошириши, қолаверса, фуқаролар жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бевосита ёки ўзларининг сайланган вакиллари орқали ўзини ўзи бошқаришда тенг ҳуқуқларга эгалиги алоҳида норма сифатида тан олинган.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 24 апрелдаги "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонун[8]нинг 2-моддасида нодавлат нотижорат ташкилотлар тушунчасига таъриф берилган бўлиб, унга кўра, нодавлат нотижорат ташкилоти - жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади

қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир, дея мустаҳкамлаб қўйилган.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд, муассаса шаклида ташкил этилиши мумкинлигини инобатга оладиган бўлсак, улар ҳам жамоатчилик назорати субъекти сифатида майдонга чиқади. Шундай экан, қонуннинг 11-моддасида берилган таърифга биноан, жамоат бирлашмаси деб, маънавий ёки бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш учун ўз манфаатларининг муштараклиги асосида қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмасига айтилади.

Қонуннинг 12-моддасида эса жамоат фонди тушунчасига таъриф берилган бўлиб, унга кўра, жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар қўшиш асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилоти жамоат фонди деб эътироф этилади.

Ижтимоий, маданий ва бошқа нотижорат тусдаги вазибаларни амалга ошириш учун жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан тузилган нодавлат нотижорат ташкилоти муассасасанглиги қонуннинг 13-моддасида мустаҳкамланган.

Шунингдек, жамоатчилик назоратини амалга оширувчи субъект сифатида оммавий ахборот воситалари ҳам эътироф этилган. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонун[9]га кўра, оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари оммавий ахборот воситаси дея мустаҳкамланган.

Миллий ва хорижий тажриба шуни кўрсатадики, жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда техника воситаларидан фойдаланиш, ҳуқуқбузарликни содир этган шахс устидан назоратни кучайтириш каби анъанавий чора-тадбирлар жиноятчилик даражасини камайтиришда ҳар доим ҳам қўшилган натижаларни бермапти. Бу эса, ўз навбатида, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида янги иш услубларини қўллаш, аҳоли ва жамоатчилик билан яқин мулоқотни йўлга қўйиш, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кенгайтириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.

Айнан нодавлат нотижорат ташкилотларининг ички ишлар органларида коррупцияга қарши курашишдаги ваколатлари "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасида мустаҳкамланган. Жумладан, ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат

ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш ва ҳ.к. кабилар.

2017 йил 10 апрелдаги "Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг ПФ-5005-сонли Фармонида ички ишлар органлари фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратининг янги тизими ўрнатилиши лозимлиги, жумладан, Олий Мажлис Сенати томонидан бир йилда икки марта Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ҳисоботини эшитиш тартиби жорий этилиши ташаббуси асосида бир қатор норматив ҳужжатларга киритилган кўшимчалардан бири бу "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунининг 11-моддаси мазмунига "ички ишлар органлари таянч пунктлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича инспекторларининг ҳисоботларини белгиланган тартибда эшитиши" мазмунидаги норманинг киритилиши бўлди.

Айнан шунга ўхшаш норма "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонуннинг 14-моддасида ҳам алоҳида тартибда фуқаролар йиғини ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг, жойлардаги таълим муассасалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиши жамоатчилик назоратини амалга ошириш шакли сифатида мустақамланган.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуннинг 16-моддасига асосан жамоатчилик назорати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қуйидаги шаклларда амалга оширилиши назарда тутилган:

тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатини ўрганиш;

тегишли чоралар кўрилиши учун давлат органларига мурожаат этиш;

давлат органлари ваколатига кирувчи ва ижтимоий аҳамиятга молик масалалар бўйича сўровлар юбориш.

Давлат органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жамоатчилик назоратини амалга оширишда кўмаклашиши ва қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг мурожаатлари юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунининг 14-моддасига биноан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар ички ишлар органларида коррупцияга қарши курашишда қуйидаги фаолиятни амалга оширишлари мумкин:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда иштирок этиши;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиши;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш.

Оммавий ахборот воситаси ички ишлар органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўров билан уларга оғзаки ёки ёзма шаклда (шу жумладан электрон ҳужжат шаклида) мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Оммавий ахборот воситасининг ички ишлар органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир, шунингдек мансабдор шахсларнинг интервьюсини ташкил этиш тўғрисидаги сўрови кўпи билан етти кун муддатда кўриб чиқилади. Агар оммавий ахборот воситасининг сўровини кўриб чиқиш ички ишлар органларининг ваколатлари жумласига кирмаса, сўров сўралаётган ахборотни тақдим этиш ўзининг ваколатига киритилган органга рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан уч иш куни ичида юборилади, оммавий ахборот воситаси эса бу ҳақда хабардор қилинади. Сўров рад этилган тақдирда, оммавий ахборот воситасига асосланган жавоб юборилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ички ишлар органлари фаолиятида коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назоратини кенгайтириш механизмини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

биринчидан, ички ишлар органлари томонидан ҳудудда жиноятчилик ва унга қарши курашиш ҳолати, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ишлар ва уларни такомиллаштириш йўллари ва усуллари масалалари юзасидан қарорларнинг ишлаб чиқиши ва қабул қилиниш жараёнларининг оммавий муҳокама ва эшитувларини ўтказиш;

иккинчидан, Ички ишлар вазирлиги (марказда) ва жойларда (ҳудудий бўлинмаларда) жамоатчилик маслаҳат кенгаши фаолиятини фаоллаштириш ва такомиллаштириш;

учинчидан, ички ишлар органлари профилактика хизматига ишга тайинлаш жараёнида жамоатчилик фикри ва маслаҳатининг тинглитиши ва инобатга олиниши амалиётини жорий этиш;

тўртинчидан, "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунда жамоатчилик назоратини амалга оширувчи субъектларнинг антикоррупцион ваколатларини алоҳида мустаҳкамлаш;

бешинчидан, қонун ва лойиҳаларни қабул қилишда жамоатчилик фикрини инобатга олиш мажбурийлиги тўғрисида нормани киритиш;

олтинчидан, "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасига (Асосий тушунчалар) "коррупцияга қарши курашиш" тушунчасини киритиш;

еттинчидан, хорижий мамлакатларнинг муваффақиятли тажрибасини ўрганиш орқали, давлат хизматчиларининг мулки ва даромадлари ҳақидаги маълумотларнинг очиқлигини таъминловчи тизим яратиш.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, келтирилган таклифларнинг рўёбга чиқарилиши мамлакатимиз ички ишлар органларида коррупцияга қарши курашни такомиллаштиришга ҳисса қўшади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Аристотель. Сочинения. В 4 томах. М., - 1983. С - 456-547. (Aristotle. Writings V 4 to max. M. - 1983. С - 456-547.)
2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 15-сон, 243-модда. (Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan, 2017, N 15, Art. 243.)
3. Долинко В.И. Проблемы коррупции в России и за рубежом // Российский следователь. 2012. №1. С. 37 (Dolinko V.I. Problems of corruption in Russia and abroad // Russian investigator. 2012. №1. Pp. 37)
4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2016 йил 26 сентябрь, 38-сон, 438-модда (Meeting of the legislation of the Republic of Uzbekistan dated September 26, 2016, article 38, article 438)
5. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2018 йил 16 апрель, 15-сон, 304-модда (Law of the Republic of Uzbekistan "On the legal protection of breeding achievements" of April 16, 2018, article 304.)
6. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 9-сон, 338-модда (Bulletin of the Supreme Council of the Republic of Uzbekistan, 1992, No. 9, Article 338.)
7. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2013 йил 29 апрель, 17-сон, 219-модда ("Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan", April 29, 2013, No. 17, Art.)
8. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 2007 й., 52-модда, 533-сон; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2012 й., 15-сон, 164-модда; 2014 й., 50-сон, 588-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда (Law of the Republic of Uzbekistan of 2004 No. 25, article 287; 2007, art. 52, Art. 533; 2008, No. 52, Article 513; 2012, No. 15, Article 164; 2014, No. 50, Article 588; 2016, Article 173, Article 173)
9. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 3-сон, 20-модда. ("Laws of the Republic of Uzbekistan", 2007, No. 3, Article 20.)

Музаффар Зиёдуллаев,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Раҳбар кадрларни тайёрлаш факультети бошлиғи,
юридик фанлар номзоди, доцент



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2018-7-9>

"ЖАМОАТ ТАРТИБИ" ВА "ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ" ТУШУНЧАЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ ҲАМДА ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИ

Аннотация: мақолада "жамоат тартиби" ва "жамоат хавфсизлиги" тушунчаларининг моҳияти ва ўзаро алоқадорлиги, шунингдек жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг мазмунига доир мулоҳазалар ёритилган ҳамда олимларнинг бу борадаги фикрлари таҳлил қилинган ҳолда муаллифлик хулосалари берилган.

Калит сўзлар: жамоат тартиби, жамоат хавфсизлиги, фуқаролар хавфсизлиги, жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш. ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти.

Музаффар Зиёдуллаев,

Заведующий факультет подготовки
руководящих кадров Академии Министерства
Внутренних дел Республики Узбекистан,
кандидат юридических наук, доцент

СОДЕРЖАНИЕ И СООТНОШЕНИЕ ПОНЯТИЙ "ОБЩЕСТВЕННЫЙ ПОРЯДОК" И "ОБЩЕСТВЕННАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ"

Аннотация: в статье изложены мнения, касающиеся сущности и взаимосвязи понятий "общественный порядок" и "общественная безопасность", а также содержания деятельности по охране общественного порядка и обеспечению безопасности, проанализированы положения ученых и сформулированы авторские выводы по данным вопросам.

Ключевые слова: общественный порядок, общественная безопасность, безопасность граждан, охрана общественного порядка, обеспечение общественной безопасности, деятельность органов внутренних дел по охране общественного порядка и обеспечению безопасности.

ESSENCE AND CORRELATION OF NOTIONS "PUBLIC ORDER" AND "PUBLIC SAFETY"

Annotation: article studies the concept of "public order" and "public safety" and their relation, reveals the ideas of scientists on maintenance of public order and provision of security, gives author's conclusions by the analysis of scientists ideas.

Key words: public order, public security, citizens security, maintenance of public order, provision of public security, activity of internal affairs on maintenance of public order, provision of public safety.

For citation: Muzaffar Ziyodullayev. ESSENCE AND CORRELATION OF NOTIONS "PUBLIC ORDER" AND "PUBLIC SAFETY". Journal of Law Research. 2018, 7 vol., issue 2, pp. 56-60

Ўзбекистонда мамлакатнинг дунё ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллаши, халқимизга муносиб турмуш тарзини яратиб бериш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали таъминлаш мақсадида, жамиятнинг барча соҳаларида тизимли ва изчил ислоҳотлар амалга ошириб борилмоқда. 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси асосида олиб борилаётган ушбу ислоҳотларнинг иккинчи муҳим йўналиши қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасини қамраб олган бўлиб, ундаги долзарб вазифалардан бири жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган.

Айтиш жоизки, сўнги йилларда республикада жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилувчи бир қатор қонун ҳужжатлари, жумладан Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг соҳага доир қатор фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилиниши ушбу ислоҳотларнинг ҳуқуқий устқурмасини яратиб берди.

Ички ишлар органлари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири бўлган жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашнинг мазмун-моҳиятини тўғри тушуниш, мазкур фаолиятни тўғри ташкил этиш ва такомиллаштириб бориш кўп жиҳатдан "жамоат тартиби" ва "жамоат хавфсизлиги" тушунчаларининг моҳиятини тўғри англаб етишга боғлиқдир. Зеро, ушбу тушунчалар моҳиятининг тўғри тушунилмаслиги, бошқача талқин этилиши жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этишда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради, куч ва воситаларнинг, маблағнинг ортиқча сарфланишига олиб келади, қолаверса олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Шундай экан, "жамоат тартиби", "жамоат хавфсизлиги" тушунчаларнинг моҳиятини илмий нуқтаи назардан ўрганиш, тадқиқ этиш ҳамда асосланган хулосаларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Битта ўзакка эга ва ўзаро боғлиқ бўлган мазкур тушунчалар ҳақида олимлар томонидан қатор таърифлар келтирилган бўлиб, унинг энг дастлабкиси 1959 йилда рус олими П.Ф. Гришаев томонидан берилган эди. Унинг фикрича, "жамоат тартиби - жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳуқуқий ва ахлоқий нормаларда мустақамланган қондаларга риоя этиши лозимлигини кўзда тутувчи, улар ўртасидаги муносабатларни белгилаб берувчи тартибдир"[1]. Бироқ, олим томонидан берилган ушбу таъриф "жамоат тартиби" тушунчасининг бутун мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб бера олмади. Шу боис ҳам, ўтган давр ичида олимлар томонидан ушбу тушунчага жамият ҳаётининг ривожланиб боришига ҳамроҳан тарзда таърифлар бериб борилди.

Рус олими Н.Н.Жильский ўзи олиб борган тадқиқоти натижалари асосида "жамоат тартиби - фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маъмурий-маданий соҳада фаолият юритиш учун қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг шакли ва миқёсида намоён бўладиган ижтимоий муносабатлар тизими", деган таърифни берди[2]. Таъриф мазкур тушунчанинг бир қатор қирраларини очиб берган бўлса-да, унда муҳим элемент - ушбу соҳадаги муносабатлар айнан жамоат жойларида юзага келиши ва ривожланиши назарда тутилмаганлиги сабабли, унга тўлиқ қўшилиб бўлмайди.

Кейинчалик А.Р. Гегамовнинг ушбу тушунчага берган: "жамоат тартиби - ҳуқуқий ва ахлоқий нормаларга асосида жамоат жойларида инсонларнинг умумий осойишталигини таъминловчи, уларнинг ўзаро муносабатлари тартибини белгиловчи жамият манфаатлари ҳуқуқий ҳимояланганлигининг зарур ва етарли даражаси", деб берган таърифи[3] мазмунига кўра П.Ф. Гришаев томонидан берилган таърифга яқин бўлса-да, унда жамоат тартиби тушунчаси жамоат жойлари билан боғлаб берилган. Бироқ бу таърифда ҳам "жамоат тартиби" тушунчаси қамраб олиши керак бўлган айрим жиҳатлар, жумладан "жамоат хавфсизлиги" билан ўзаро алоқаси, юридик шахслар манфаати кўзда тутилмаганини айтиш жоиз.

"Жамоат тартиби" тушунчасини юридик категория деб тавсифловчи А.А. Куделич, унинг "жамоат хавфсизлиги" тушунчасидан фарқ қилмаслигини ва ушбу тушунчаларнинг синоним эканлигини таъкидлайди[4]. Олимнинг "жамоат тартиби" тушунчасига жинойий-ҳуқуқий жиҳатдан ёндашиб берган ушбу фикрига қўшилиб бўлмайди. Чунки, "жамоат тартиби" ва "жамоат хавфсизлиги" тушунчалари моҳиятан бир-бирига яқин бўлса-да, аслида мазмунига кўра турли тушунчалардир. Жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлиги тушунчаларининг ўзаро фарқи тўғрисида сўз юритган Ф.Е. Колонтовский, улар мақсади, қўриқловчи объеклари, бартараф қилувчи тажовузлар манбаи, тартибга солувчи вазифалари, муносабатларининг таркиби ва таъминлаш усуллари билан ўзаро фарқланади, дейди[5].

Бевосита "жамоат хавфсизлиги" тушунчаси ҳақида сўз борганда, унга олим Б.Т.Хамхоев "жамиятнинг яхлит ижтимоий тизим сифатида ривожланиши жараёнида мустақамлик ва барқарорлик, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, ҳаётий эҳтиёжларини қондириш ва амалга ошириш учун қулай шарт-шароит ва имкониятларнинг таъминлангани ҳолати", деган таърифни[6], И.В. Демин "жамиятнинг турли хил ҳаётий манфаатлари ҳимоя қилинадиган, шахс ва жамиятнинг жадал ривожланиши учун имкониятлар яратилувчи, келиб чиқиши мумкин бўлган ва реал ички ҳамда ташқи таҳдидларнинг минимал даражада камайтирилганлиги тавсифланган ҳолат", деган таърифни беради[7]. Бироқ, ушбу

олимлар томонидан берилган, мазмунига кўра кенг ифодаланган мазкур таърифлар "жамоат хавфсизлиги" тушунчаси моҳиятини аниқ ва етарлича очиб бера олмайди.

"Жамоат хавфсизлиги" тушунчасининг мазмун-моҳиятини нисбатан аниқ ва тўғри очиб берган таъриф А.В. Жалгин томонидан берилган: "жамоат хавфсизлиги - шахс, жамият ва давлатни жамоат тартибига ноқонуний таъжовулардан келиб чиқувчи таҳдидлардан, шунингдек ижтимоий, табиий ва техноген хусусиятга эга бўлган фалокатлардан ҳимоя қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизими"[8].

Юқоридаги таҳлилларга асосланиб, республикамизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар мазмунидан келиб чиқиб, шундай хулосага келиш мумкин: "Жамоат тартиби - бу жамоат хавфсизлиги, жисмоний ва юридик шахсларнинг нормал фаолият кўрсатиши, меҳнат қилиши ва дам олиши учун шароит яратишга, шаъни, кадр-қиммати ҳамда умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилишга йўналтирилган ҳуқуқий ва ижтимоий-ахлоқий нормалар асосида жамоат жойларида юзага келадиган ва ривожланадиган ижтимоий муносабатлар тизими".

"Жамоат хавфсизлиги - бу шахс, жамият ва давлатнинг ҳуқуқбузарликлар, бошқа ғайриижтимоий хулқ-атвор таъсири, табиий, техноген ва ижтимоий хусусиятга эга бўлган фавқулодда ҳолатлар оқибатларидан ҳимояланганлиги ҳолати ҳисобланади".

Кўриниб турибдики, "жамоат тартиби" ва "жамоат хавфсизлиги" бир-бири билан узвий боғлиқ тушунчалар бўлиб, бири иккинчисини тўлдирди. Ўз навбатида "жамоат тартиби" ва "ҳуқуқ-тартибот" тушунчалари ҳам ўзаро боғлиқ. Профессор О.Хусанов таъкидлаганидек, жамоат тартиби - юридик ва бошқа ижтимоий қоидалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар бўлиб, ҳуқуқ-тартиботни ҳам қамраб олади, ҳуқуқ-тартибот эса фақат амалдаги ҳуқуқий нормалар асосида ташкил топган ижтимоий муносабатлар тизимидир[9].

Дарҳақиқат, "жамоат тартиби" тушунчаси "жамоат хавфсизлиги"га қараганда кенгроқ кўринса-да, амалда жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти қўлами ва серқирралиги билан жамоат тартибини сақлаш фаолиятига нисбатан мазмун-моҳияти жиҳатидан кенгроқдир. Юридик адабиётларда ва қонун ҳужжатларида аксарият ҳолларда биргаликда қўлланиладиган "жамоат тартибини сақлаш" ва "жамоат хавфсизлигини таъминлаш" тушунчаларининг ҳар бир тури турли мазмун-моҳият касб этади. Жамоат тартибини сақлаш фаолиятининг мазмуни кўча ва жамоат жойларида инсонларнинг қонун ҳужжатлари ва ахлоқ нормалари талабларига риоя этишларини назорат қилишда намоён бўлса, жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти ўз ичига йўл ҳаракати хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги, қўриқловга олинган объектлар ва мулклар хавфсизлиги, паспорт тизими, назорат-лицензия тизимини таъминлаш каби қатор фаолият йўналишларини қамраб олади. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг бундай кенг қўламлиги ва серқирралиги унга яхлит тарзда ёндашиш, уни бир бугун тизим сифатида такомиллаштириш имконини бермайди. Шу сабабли ҳам, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа МДХ давлатларида сўнги йилларда қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида "жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш" ибораси ўрнига "жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш" иборасини қўллаш тенденцияси кузатилмоқда. Бунга "фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш" тушунчаси "жамоат хавфсизлигини таъминлаш"га қараганда мазмуни ва таъсир кўрсатиш объектининг аниқлиги жиҳатидан бир мунча жузъийлиги ҳамда ушбу соҳада муайян вазифаларни белгилаш ва ижросини таъминлаш имкони юқорилигини сабаб

сифатида кўрсатиш мумкин. Бироқ иккинчи томондан қараганда "жамоат хавфсизлигини таъминлаш" тушунчаси ўз мазмунига кўра нафақат фуқароларнинг, қолаверса жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ҳозирги кунда ҳам мазкур тушунчанинг қонунчилик ва юридик адабиётларда ўз ўрни мавжудлигини кўрсатади.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш жамоат тартиби бузилишига олиб келувчи омилларнинг олдини олишга хизмат қилса, ўз навбатида тизимли равишда жамоат тартибини сақлаш жамоат хавфсизлигининг самарали таъминланишига олиб келади. Шу билан бирга жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти ички ишлар органларининг бошқа фаолият йўналишлари билан ҳам узвий боғлиқ. Хусусан, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан ўзаро боғлиқ бўлиб, жамоат тартибини сақлаш орқали ҳуқуқбузарликлар олди олинади, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси орқали жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашга эришилади. Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашнинг яна бир муҳим хусусияти шундаки, у ички ишлар органлари тизимидаги бошқарувнинг таркибий қисми бўлиб, бу жараёнда ички ишлар органлари давлат органлари ва муассасалари, жамоатчилик тузилмалари ҳамда фуқаролар билан ташкилий-ҳуқуқий муносабатларга киришади[10].

Хулоса ўрнида шунни айтиш керакки, "жамоат тартиби" ва "жамоат хавфсизлиги" тушунчалари жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг ўзагини ташкил этиб, уларнинг моҳиятини тўғри тушуниш ва талқин этиш, мазмунини чуқур англаб етиш мазкур фаолиятни самарали ташкил этишга, унинг ривожланиш йўналишларини ва истиқболларини аниқ белгилаб олиш ҳамда пировардда доимий равишда замон талабларига мос тарзда такомиллаштириб боришга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Гришаев П.Ф. Преступления против общественной безопасности. - М.: Экзамен, 1959. - С. 4.
2. Жильский Н.Н. Органы внутренних дел в государственном механизме обеспечения общественного порядка и безопасности граждан: Организационно-правовой анализ: автореф. дис. д. юрид. наук. - Санкт Петербург, 2000. - С. 17.
3. Гегамов А.Р. Насильственные преступления против общественной безопасности и общественного порядка и уголовно-правовой механизм назначения справедливого наказания: автореф. дис. канд. юрид. наук. - Саратов, 2011. - С. 15.
4. Куделич А.В. Уголовно-правовая охрана общественного порядка в современной России: Автореф. дисс. ... докт. юрид. наук. - М.: Сибирь, 2000. -С. 15.
5. Организация работы участковых инспекторов милиции / Под. ред. Ф.Е. Колонтоевского. - М.: Академия МВД СССР, 1992. - С. 5.
6. Хамхоев Б.Т. Генезис формирования понимания сущности общественной безопасности // Вестник Московского университета МВД России. - М., 2010. - № 8. - С. 178.
7. Демин И.В. Общественная безопасность: теоретико-методологические аспекты // Юридический мир. - М., 2007. - № 6. - С. 39.
8. Жаглин А.В. Общественная безопасность как социальное явление и элемент системы национальной безопасности // Вестник Воронежского института МВД России. - Воронеж, 2007. - № 1. - С. 33.
9. Хусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият: (ҳуқуқий, ташкилий масалалар ва муаммолар). - Т.: Шарқ, 1996. - 82-бет.
10. Организация охраны общественного порядка: Учебник / Под. ред. Попова Л.Л. - М.: Академия МВД СССР, 1984. - С. 9.

Кулматов Шароф Асадович,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси бошлигининг
ўринбосари подполковник ю.ф.н., доц.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2018-7-10>

ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Мақолада процессуал ҳуқуқ ва бурчларнинг жиноят процессидаги ўрни ҳамда процессуал ҳуқуқ ва бурчларини такомиллаштириш зарурияти баён этилган.

Таянч сўзлар: жиноят процесси иштирокчилари, процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлар, жавобгарлик.

Кулматов Шароф Асадович,

Заместитель начальника кафедры уголовно-
процессуального право Академии МВД
Республики Узбекистан
к.ю.н., доцент, подполковник

МЕХАНИЗМ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПОРЯДКА ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА НЕ ВЫПОЛНЕНИЕ УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНЫХ ОБЯЗАННОСТЕЙ

Аннотация: В статье основаны предложения совершенствования порядка ответственности за не выполнение уголовно-процессуальных обязанностей.

Ключевые слова: участники уголовного процесса, процессуальное право и обязанность, ответственность.

Kulmatov Sharof Asadovich,

Deputy Head of the Department of Criminal
Procedure Law of the Academy of the Ministry
of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan
Candidate of Law, Associate Professor,
Lieutenant Colonel

THE MEANING AND NECESSITY OF PERFECTION OF THE PROCEDURAL RIGHTS AND DUTIES IN CRIMINAL PROCEDURE

Annotation: In article the essence both place of the procedural rights and duties in criminal procedure is opened, the necessity of perfection of the procedural rights and duties is stated.

Key words: The procedural right, procedural duty, participants of process, responsibility.

For citation: Kulmatov Sharof Asadovivh. THE MEANING AND NECESSITY OF PERFECTION OF THE PROCEDURAL RIGHTS AND DUTIES IN CRIMINAL PROCEDURE. Journal of Law Research. 2018, 7 vol., issue 2, pp. 61-65

Мамаклатимизда ўтказилаётган суд - ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар амалдаги қонунларни чуқурроқ таҳлил қилишга ундайди. Бу эса қонунлардаги мавжуд камчиликларни аниқлашга, уларни бартараф этиш борасидаги тегишли таклифларни ишлаб чиқишга имкон беради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев "Айни пайтда Асосий Қонунимиз талабларини тўлиқ амалга ошириш борасида ҳали олдимизда улкан вазифалар турганини яхши тушунамиз. Яъни халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини амалда таъминлаш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак. Энг аввало, одамларимиз ислоҳотлар самарасини келажакда эмас, балки бугун ўз ҳаётида ҳис этишлари зарур[1]" деб таъкидлайди. Ушбу вазифа моҳиятида Жиноят процессуал қонун нормаларининг амалиётда қай даражада қўлланилаётганини таҳлил қилиш ҳамда қайта кўриб чиқиш зарурияти ҳам мавжуддир. Қонунлар мазмунан одилона ҳуқуқий кучга эга бўлиши билан бирга бевосита таъсир этиш кучига ҳам эга бўлиши керак. Шунингдек, қонунлар қабул қилиниши билан бирга самарали қўлланилиши ҳам талаб этилади. Агарда қонунлар қабул қилингани билан уни амалга ошириш механизми тўлиқ тартибга солинмаган бўлса, ушбу қонун фақат қоғозда мавжуд бўлиб қолишига ва ўз аҳамиятини йўқотишга сабаб бўлади.

Амалдаги ЖПКнинг таҳлили жиноят процессида процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун фақат жинойий жавобгарликка тортиш механизмини тартибга солинганлигини кўриш мумкин[2]. Масалан, гувоҳ ёлгон кўрсатув берганлик учун жиноят иши кўзгатилади ва ЖПКда белгиланган тартибда ҳал этилади[3].

Дастлабки тергов амалиётида интизомий жавобгарликка тортиш масаласи ишни юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларга нисбатан тегишли низом ёки уставлар асосида тартибга солинганлигини кўриш мумкин. Масалан суд босқичида судья жиноят иши дастлабки терговда тўла ва ҳар томонлама тергов қилинмаганлик ҳолатини аниқлаган ва ушбу ҳолат юзасидан дастлабки тергов органига хусусий ажрим юборган, ушбу хусусий ажрим жиноят ишини юритган терговчига нисбатан юқори турувчи ваколатли орган томонидан тегишли интизомий жазони қўллаш учун асос бўлган[3] ёки бошқа мисол жиноят иши бўйича суриштирувчи терговчининг ёзма топширигини ўз вақтида ёки умуман бажармаганлиги учун терговчи суриштирув органи бошлиғи номига тақдимнома юборган ва бу тақдимнома терговчининг топширигини ўз вақтида ёки умуман бажармаган суриштирувчига нисбатан тегишли интизомий жазони қўллаш учун асос бўлган[4].

Бошқа иштирокчиларни процессуал мажбуриятларни бажармаганликлари учун интизомий, маъмурий ёки фуқаровий жавобгарликка тортилиши масаласи амалдаги ЖПКда тўлиқ ҳал этилмаган.

Амалдаги ЖПКда процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликка тортиш механизмининг тўлиқ тартибга солинмаганлиги ишни юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларга процессуал мажбуриятларни бажармаслик ҳолатини аниқлаш, исботлаш ва тегишли таъсир чорасини қўллаш билан боғлиқ муаммоларни юзага келтиради. Шунинг учун ЖПКда жавобгарликка тортиш механизмини тўлиқ тартибга солиниши талаб этилади.

Фикримизча, дастлабки терговда процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликка тортиш механизми субъектларнинг жиноят процессидаги ҳуқуқий мавқеи ва бажарилмаган мажбуриятларнинг оқибатидан келиб чиққан ҳолда ҳал этилиши лозим деб ўйлаймиз. Масалан: терговга қадар текширув органлари ходимлари терговчининг қонуний топшириғини ўз вақтида бажармаганлиги учун, терговчи дастлабки терговни ҳар томонлама, тўлиқ олиб бормаганлиги учун, прокурор дастлабки терговда назоратни етарли даражада олиб бормаганлиги учун интизомий жавобгарлик, эксперт, мутахассис, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарларнинг қонуний вакиллари ва вакиллари терговчининг чақирувига биноан узрли сабабларсиз келмаганликлари учун мажбурий келтириш ёки маъмурий жавобгарлик, процесс иштирокчилари дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилганликлари учун жиноий жавобгарлик ва ҳ.к.

Фикримизча процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликка тортиш механизми қуйидаги босқичларда амалга оширилиши лозим:

1. Процессуал мажбуриятларни бажармаслик ҳолатини аниқлаш;
2. Процессуал мажбуриятларни бажармаслик ҳолатини исботлаш;
3. Процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун тегишли жавобгарликни қўллаш.

Биринчи босқичда ваколатли мансабдор шахс процесс иштирокчисини процессуал мажбуриятларни узрли сабабларсиз қасдан бажармаганлигини аниқлайди. Бунда энг аввало ваколатли мансабдор шахс процесс иштирокчисини ЖПКда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан таништирган бўлиши ҳамда мажбуриятларни бажармаслик оқибатлари билан олдиндан огоҳлантирган бўлиши талаб этилади.

Иккинчи босқичда ваколатли мансабдор шахс процессуал мажбуриятларни бажармаслик ҳолатини тасдиқловчи маълумотларни тўплайди ва ҳужжатлаштиради, яъни процессуал мажбуриятни бажармаган процесс иштирокчисини олдиндан огоҳлантирганлигини тасдиқловчи ҳужжат, процессуал мажбуриятни бажармаганлик ҳолатини акс эттирувчи маълумотларни холислар иштирокида тегишли баённома ёки далолатномаларда акс эттиради ва қарор ёки ҳулоса чиқаради.

Учинчи босқичда ваколатли мансабдор шахс процесс иштирокчисини процессуал мажбуриятни бажармаганлик ҳолатини исботловчи далилларга таянган ҳолда, қоидабузарликнинг оқибатига кўра тегишли таъсир чорасини қўллаш чораларини кўради, яъни ўз ваколатидан келиб чиқиб таъсир чорасини белгилаб уни ижро эттиради ёки тегишли чора қўллаш ваколатига эга шахс ёки органга ҳужжатларни юборади.

Бизнингча дастлабки терговда процессуал мажбуриятларни бажармаслик ҳолатини аниқлаш ва исботлаш вазифаси ЖПКнинг 85-95 моддаларига мувофиқ суриштирувчи ёки терговчи ва прокурорга юклатилиши керак. Агарда дастлабки терговда процессуал мажбуриятларни бажармаслик ҳолати ишни юритишга масъул бўлган мансабдор шахслар томонидан содир этилса, уларнинг юқори турувчи раҳбарлари ёки бошқа ваколатли мансабдор шахсларга ушбу процессуал мажбуриятларни бажармаслик ҳолатини аниқлаш ва исботлаш вазифаси юклатилиши лозим.

Агарда суд босқичида процесс иштирокчилари томонидан процессуал мажбуриятлар бажарилмаса, унда суд мажлисига раислик қилувчининг ўзи ушбу процессуал мажбуриятларни бажармаган процесс иштирокчисига нисбатан тегишли чорани қўллаши керак.

Фикримизча дастлабки терговда процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун тегишли жавобгарликни қўллаш суд органлари томонидан жиноят ишини кўриб чиқиш вақтида ҳал этилиши керак.

Бизнингча, дастлабки терговда процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликка тортиш механизми белгиланадиган таъсир чорасининг турига қўра куйидаги ҳаракатлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ:

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилса, терговчи холислар иштирокида ҳолат тўғрисида баённома тузади ва мажбуриятни бажармаган шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор қабул қилиб, келгусида тегишли суд томонидан жиноят иши билан бирга кўриб чиқиш учун жиноят ишига қўшиб қўяди.

2. Интизомбузарлик бўйича, терговчи ёки прокурор процессуал мажбуриятни бажармаган процесс иштирокчисининг юқори турувчи раҳбарига интизомбузарлик ҳолати тўғрисидаги ҳужжатлари билан тақдимнома киритади, шунингдек тақдимномага мувофиқ қўрилган чора ҳақида ўттиз кун ичида жавоб хаги юбориш ҳақида талаб ёзилиши лозим;

3. Фуқаровий ҳуқуқбузарлик бўйича, ЖПКнинг 301-313-моддалари ва ФКнинг 990, 991, 1021, 1022-моддаларида назарда тутилган тартибда суд томонидан ҳал этилади;

4. Жиноят содир этилганда жавобгарлик бўйича, дастлабки терговда суриштирувчи, терговчи ёки прокурор процесс иштирокчилари содир этган процессуал мажбуриятларини бажармаслик билан боғлиқ жиноят аломатларини аниқлаб, иш қўзғатади ва ЖПКда белгиланган тартибда ҳаракат қилади.

Бизнингча, юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ЖПКга куйидаги таҳрирдаги "Процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликка тортиш тартиби" деб номланувчи янги 2711-моддани киритиш зарур:

Суриштирув ёки дастлабки терговда процесс иштирокчилари томонидан мазкур Кодекснинг 271-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганда бу ҳақда суриштирувчи, терговчи холислар иштирокида баённома тузиб, унда мажбуриятни бажармаган шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор қабул қилади ҳамда мазкур маъмурий ишни тегишли ҳужжатлар билан бирга туман (шаҳар) маъмурий судга кўриб чиқиш учун юборди.

Суриштирув ёки дастлабки терговда процесс иштирокчилари томонидан процессуал мажбуриятларни бажармаслик оқибатида интизомий ҳуқуқбузарлик аломатлари аниқланганда, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор процессуал мажбуриятни бажармаган процесс иштирокчисининг юқори турувчи раҳбарига мазкур Кодекснинг 299-моддасига мувофиқ интизомбузарлик ҳолати тўғрисида тегишли ҳужжатлари билан тақдимнома киритади. Тақдимнома асосида қўрилган чора ҳақида тегишли корхона, муассаса ва ташкилот ўттиз кун ичида суриштирувчини, терговчини ва прокурорни хабардор қилиши керак.

Суриштирув, дастлабки тергов ёки суд томонидан тугатилган ёҳуд оқланган шахсга нисбатан ноқонуний қарор қабул қилганлиги туфайли етказилган мулк

ёки маънавий зарарни қоплаш ЖПКнинг 301-313-моддаларида назарда тутилган тартибда суриштирувчи, терговчи ёки суд ҳал этади.

Маъзур моддада кўрсатилган процесс иштирокчилари томонидан жиноят содир этганлиги аниқланганда, ушбу Кодекснинг умумий жиноят иши юзасидан суриштирув ёки дастлабки тергов амалга оширилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигимизда жиноят процесси иштирокчиларини процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликка тортиш механизмининг тўлиқ белгиланиши, процесс иштирокчиларини ўз мажбуриятларига нисбатан масъулият билан ёндашишларига ундайди, суриштирувчи, терговчи ва прокурорга процессуал мажбуриятларни бажармаган процесс иштирокчисига нисбатан тегишли таъсир чорасини қўллашда қийинчилик туғдирмайди. Бу эса дастлабки тергов ва суд муҳокамасини самарали кечишига ва жиноят иши бўйича ҳақиқат қарор топишига замин яратади.

Сноски/References/Иқтибослар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Конституция - эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустақкам пойдеворидир" мавзусида сўзлаган маърузаси.
2. Абдурахмонов У.А. Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органлари томонидан фуқароларга етказилган зиённи қоплаш. Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. - Т.: ТДЮИ, 2009. - 23 б.
3. Гулистон шаҳар жиноят ишлари бўйича суди архиви материаллари.
Сирдарё вилоят жиноят ишлари бўйича суди архиви материаллари.

Валижонов Далер Дилшодович,

Самостоятельный соискатель
Университета мировой
экономики и дипломатии
valijonov.daler@mail.ru



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2018-7-11>

УЧАСТИЕ ПРОКУРОРА В МЕЖДУНАРОДНО- ПРАВОВОМ СОТРУДНИЧЕСТВЕ ПО БОРЬБЕ С ПРЕСТУПНОСТЬЮ

Аннотация: В статье рассмотрены вопросы международного сотрудничества органов прокуратуры по оказанию правовой помощи в уголовной сфере. Кроме этого, данная статья посвящена вопросам взаимодействия органов прокуратуры по борьбе с преступностью в рамках региональных международных организаций.

Ключевые слова: международное сотрудничество, правовая помощь, органы прокуратуры, региональные организации.

Valijonov Daler Dilshodovich,

Independent researcher of the University of
world economy and diplomacy
valijonov.daler@mail.ru

PARTICIPATION OF THE PROSECUTOR IN INTERNATIONAL LEGAL COOPERATION ON COMBATING CRIME

Annotation: Annotation: The article focuses on the issues of international cooperation of the Prosecutor's Office on provision of legal assistance in criminal matters. Besides that, the article is dedicated to the matters concerning the cooperation Prosecutor's Office in terms of fighting against crime within the regional scope of international organizations.

Key words: international cooperation, legal assistance, prosecutor's office, regional organizations.

Валижонов Далер Дилшодович,

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия
университети мустақил изланувчиси
valijonov.daler@mail.ru

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШДАГИ ХАЛҚАРО- ҲУҚУҚИЙ ҲАМКОРЛИҚДА ПРОКУРОРНИНГ ИШТИРОКИ

Аннотация: Ушбу мақолада жиноятчиликка қарши кураш соҳасида прокуратура органларининг халқаро ҳамкорлиги ва иштироки масалалари ёритилган. Шунингдек, мақолада шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун ушлаб беришнинг процессуал жиҳатларига ҳам тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: халқаро ҳамкорлик, ҳуқуқий ёрдам, прокуратура органлари, минтақавий халқаро ташкилотлар.

For citation: Valijonov Daler Dilshodovich. PARTICIPATION OF THE PROSECUTOR IN INTERNATIONAL LEGAL COOPERATION ON COMBATING CRIME. Journal of Law Research. 2018, 7 vol., issue 2, pp. 66-71

Объективные процессы глобализации и международной интеграции обуславливают не только стремительное развитие инновационных технологий, расширение экономических, научных, культурных и других связей в мировом сообществе, но и сопровождаются ростом организованной международной преступности в сфере незаконного оборота оружия, наркотических и психотропных веществ, коррупции, легализации доходов, полученных преступным путем, и торговли людьми.

Именно поэтому взаимодействие органов прокуратуры Республики Узбекистан и компетентных органов зарубежных стран в области противодействия преступности и уголовной юстиции становится наиболее востребованным и значимым направлением их деятельности.

Нормативно-правовой основой международного сотрудничества российских прокуроров с соответствующими компетентными органами и должностными лицами иностранных государств, а также с международными и межгосударственными организациями в сфере борьбы с преступностью, укрепления законности и правопорядка являются:

1) многосторонние и двусторонние договоры Республики Узбекистан с иностранными государствами;

2) Конституция и национальное законодательство;

3) организационно-распорядительные документы Генпрокурора Республики Узбекистан (приказы, указания).

Анализ этих тенденций и заключенных в сфере договоров по борьбе с преступностью свидетельствуют, что в настоящее время международное сотрудничество в борьбе с преступностью представляет собой сложное системное явление, содержание которого, наряду с иным, составляют согласованные между государствами меры по оказанию помощи в расследовании уголовных дел и осуществлении уголовного преследования; расследованию международных преступлений, осуществлению уголовного преследования и наказанию лиц, виновных в их совершении; обеспечению исполнения уголовных наказаний [1, С. 51].

Правовое регулирование международного сотрудничества в уголовном процессе предопределяются обязательствами, принятыми Узбекистаном и другими государствами - участниками СНГ и ШОС при подписании международных договоров. Многие из них содержат, с одной стороны, нормы уголовно-процессуального характера, а с другой - нормы, предписывающие государствам-участникам принять меры к включению в национальное законодательство

процессуальных правил для максимально широкого международного сотрудничества в уголовном процессе.

По условиям абсолютного большинства международных договоров, действующими в рассматриваемой сфере, при исполнении запросов иностранных государств применению подлежит уголовно-процессуальное законодательство запрашиваемой стороны. Аналогичный порядок оказания правовой помощи только с использованием национального законодательства является базовым в праве различных стран.

Серьезное влияние на перспективы международного сотрудничества в уголовном процессе и его правового регулирования оказывает уголовное законодательство.

Изменение масштабов международного сотрудничества, связанного с оказанием помощи в расследовании уголовных дел и осуществлении уголовного преследования, определяется потребностями реализации основных задач и назначения уголовного судопроизводства. Без него невозможно по делам о преступлениях транснационального характера обеспечить: собирание доказательств, находящихся за рубежом; осуществление уголовного преследования; охрану прав и свобод человека и гражданина в уголовном судопроизводстве; возмещение ущерба, конфискацию имущества.

Совокупность обстоятельств, обуславливающих перспективы международного сотрудничества в уголовном процессе, позволяет констатировать, что его развитие детерминировано, с одной стороны, количественными и качественными изменениями самой преступности, а с другой - требованиями, вытекающими из международных договоров, уголовного и уголовно-процессуального законодательства. Общемировые тенденции преступности, ее генезис в государствах - участниках СНГ или ШОС, находящийся в русле этих тенденций, обуславливают расширение в уголовном процессе международного сотрудничества с компетентными органами зарубежных стран.

Таким образом, можно утверждать, что международное сотрудничество генеральных прокуратур стран Содружества в сфере уголовного судопроизводства - это регламентированная национальным законодательством, общепризнанными принципами и нормами международного права, а также международными договорами деятельность органов прокуратуры и других компетентных органов и должностных лиц государств - участников СНГ по оказанию правовой помощи по уголовным делам в целях обеспечения неотвратимости уголовной ответственности лиц, совершивших преступления, законного, обоснованного и справедливого разрешения судом уголовного дела.

В настоящее время в науке и практике общепризнанно, что органы прокуратуры стран Содружества осуществляют международное сотрудничество в сфере уголовного судопроизводства по трем основным направлениям:

- 1) по вопросам выдачи лиц для уголовного преследования и исполнения приговора;
- 2) по вопросам оказания правовой помощи при производстве по уголовным делам;
- 3) по вопросам передачи лиц, страдающих психическими расстройствами, для продолжения принудительного лечения.

Разумеется, что международное сотрудничество органов прокуратуры не ограничивается правовой помощью по уголовным делам, оно затрагивает очень многие сферы их компетенции.

Согласно национальному законодательству Генеральная прокуратура Республики Узбекистан является единственным компетентным органом, который уполномочен направлять в иностранные государства запросы о выдаче лиц для уголовного преследования или исполнения приговора, а также принимать решения о выдаче лиц из Республики Узбекистан по запросам иностранных государств.

Полномочия прокуратуры по взаимодействию с иностранными компетентными органами и международными организациями устанавливаются в законах о прокуратуре государств - участников Содружества. Как правило, они регламентируют статус и направления деятельности прокуратуры, указывают, что Генеральная прокуратура и подчиненные ей прокуратуры в пределах своей компетенции осуществляют сотрудничество с органами прокуратуры и иными правоохранительными органами иностранных государств и международными организациями.

В ряде стран СНГ (Республика Казахстан, Российская Федерация, Кыргызская Республика, Республика Таджикистан, Туркменистан, Республика Узбекистан, Азербайджанская Республика) полномочиями принимать решение о выдаче и направлении запросов об экстрадиции наделены Генеральные прокуратуры.

Уголовное преследование и пресечение преступности с целью защиты гражданина, поддержания мира и общественного порядка - важнейшая цель всех цивилизованных государств. Но если необходимость международного сотрудничества здесь безоговорочно признается давно, то относительно его конкретных направлений еще немало предстоит сделать.

Например, есть необходимость разработать механизм разрешения споров, связанных с экстрадицией обвиняемых. Главная задача - чтобы механизм правовой помощи эффективно служил делу борьбы с преступностью, защиты граждан от преступных посягательств.

С уголовным преследованием как с одной из составляющих правозащитной функции прокуратуры неразрывно связаны помощь потерпевшим от правонарушений и обязанности органов прокуратуры в отношении лиц, лишенных свободы. Здесь органы прокуратуры стремятся к тому, чтобы эти полномочия выполнялись квалифицированно, объективно и беспристрастно, с уважением прав человека, а внутригосударственный механизм защиты прав участников уголовного судопроизводства соответствовал европейскому уровню.

Не менее важна и другая составляющая правозащитной функции – полномочия прокуроров за пределами уголовно-правового сектора.

В Узбекистане она реализуется в процессе работы по всем направлениям, будучи одной из главных целей и составной частью прокурорского надзора.

В настоящее время существует тенденция по сотрудничеству в пределах законодательства в развитии и подготовки и повышении квалификации прокурорских работников, в том числе научных и педагогических кадров, осуществлению научных и информационных связей по актуальным проблемам теории и практики деятельности органов прокуратуры, а также разработке

соответствующих совместных научно-исследовательских программ и внедрению результатов исследований в прокурорскую и следственную практику.

Кроме того, сотрудники органов прокуратуры должны руководствоваться нормами Конституции, УПК и Закона Республики Узбекистан "Об оперативно-розыскной деятельности" при проверках законности оперативно-розыскных мероприятий в рамках осуществления выдачи лица для привлечения к уголовной ответственности [2, С. 48].

Подводя итоги, считаем что прокуроры должны проявлять инициативу в развитии международно-правовых отношений, вносить руководству Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан предложения о постановке перед компетентными органами государственной власти и международными организациями актуальных вопросов по борьбе с преступностью.

Исходя из координирующей роли прокуратуры в борьбе с преступностью, прокуроры должны принимать активное участие в международных совещаниях, конференциях, семинарах и других мероприятиях, проводимых международными организациями и правоохранительными структурами других государств по вопросам правового характера, имеющих международное значение, при этом добиваться формирования у участников объективных позиций и выводов о характере деятельности правоохранительных органов Республики Узбекистан и их роли в борьбе с преступностью, обеспечении законности, защите прав и свобод человека.

Необходимо усилить прокурорский контроль за исполнением международных поручений о правовой помощи, регулярно обобщать практику исполнения органами прокуратуры международных договоров Республики Узбекистан. Уполномоченным прокурорским работникам следует повысить качество подготовки заключений по проектам международных договоров и соглашений, поступающих в Генеральную прокуратуру Республики Узбекистан, а также подготовки проектов таких актов в прокуратуре, не допускать формализма в этой работе, вносить конкретные предложения, с тем чтобы в международно-правовом переговорном процессе проводилась четкая линия на защиту и отстаивание интересов Республики Узбекистан, включение в проекты договоров и соглашений, оправдавших себя на практике положений и принципов российского законодательства.

Особое внимание следует обращать на положительный опыт работы правоохранительных организаций других государств, который можно использовать в практической деятельности правоохранительных органов Республики Узбекистан, широко разяснять отечественный опыт и методы борьбы с преступностью в Республике Узбекистан. На сегодняшний день один из основных задач, поставленных перед правоохранительными структурами, является борьба с преступностью и обеспечение общественного порядка [3, С. 34].

В целях обеспечения комплексной проработки конкретных вопросов международного сотрудничества, подготовки и реализации международных правовых актов и программ, касающихся борьбы с преступностью, органы прокуратуры должны наладить постоянное взаимодействие с соответствующими подразделениями Министерства иностранных дел Республики Узбекистан, правоохранительных ведомств Республики Узбекистан, а также Исполнительного Секретариата и Межпарламентской Ассамблеи СНГ, советов правоохранительных ведомств государств СНГ.

Органы прокуратуры должны установить тесный контакт и обмен информацией с Секретариатом Координационного совета генеральных прокуроров государств СНГ и Научно-методическим центром при этом Совете. Сотрудники Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан и ее органов на местах должны регулярно анализировать и обобщать практику и эффективность международного сотрудничества и вносить руководству Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан предложения о мерах по совершенствованию этой деятельности.

Сноски/References/Иқтибослар

1. Кирьянов А.Г. Некоторые вопросы, связанные с институтом выдачи преступников (экстрадиции) в современном международном праве // Международное уголовное право и международная юстиция // 2008. № 2. - С.51.

(Kiryanov A. G.: Some issues related to the institution of extradition of criminals (extradition) in modern international law // International Criminal Law and International Justice, 2008, № 2. - 19.)

2. Пулатов Б.Х. "Прокурорский надзор за законностью оперативно-розыскной деятельности, использования его результатов в качестве доказательств" // Журнал правовых исследований // 2017. № 7. - С. 48.

(Pulatov B.Kh.: Prosecutor's supervision over legality of the operational-search activity, using of its results as evidence // Journal of Law Research // 2017. N 7, Page 48.)

3. Пулатов Б.Х. "Прокурорский надзор за законностью оперативно-розыскной деятельности, использования его результатов в качестве доказательств" // Журнал правовых исследований // 2018. № 2. - С. 34.

(Pulatov B.Kh.: Experience of advanced foreign countries on the issues of increasing the effectiveness of the fight against crime and the prevention of legal abuses // Journal of Law Research // 2018. N 2, Page 34.)

Сафарова Шахло,

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия
университети "Халқаро оммавий ҳуқуқ ва
давлат- ҳуқуқий фанлар" кафедраси ўқитувчиси



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2018-7-12>

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ ТАЪЛИМНИНГ ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Аннотация: мақолада муаллиф инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг халқаро ва миллий ҳуқуқий асослари ва уларни амалга ошириш масалалари ва жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг ўрни, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва давлатимизда бу борада амалга оширилаётган ишлар баён қилинади.

Калит сўзлар: инсон ҳуқуқлари, ҳуқуқий маданият, инсон ҳуқуқлари маданияти, демократик ислохотлар, фуқаролик жамияти, халқаро ҳуқуқ, янги авлод дарсликлари, таълим технологиялари.

Сафарова Шахло,

преподаватель кафедры "Международное
публичное право и государственно-правовые
науки" Университета мировой экономики и
дипломатии

МЕЖДУНАРОДНЫЕ И НАЦИОНАЛЬНЫЕ ПРАВОВЫЕ РАМКИ ОБРАЗОВАНИЯ В ПРАВИЛАХ И ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЕ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА

Аннотация: В статье рассматриваются международные и национальные правовые основы образования в области прав человека и вопросы их реализации, роль правовой культуры в обществе, правовая грамотность граждан и текущая работа в нашей стране.

Ключевые слова: права человека, правовая культура, культура прав человека, демократические реформы, гражданское общество, международное право, учебники нового поколения, образовательные технологии.

Safarova Shahlo,

teacher of the department "International
public law and state-legal sciences" in the
University of world economy and diplomacy

IMPLEMENTATION AND INTERNATIONAL AND NATIONAL LEGAL FRAMEWORK OF EDUCATION IN THE FIELD OF HUMAN RIGHTS

Annotation: The article focuses on international and national legal frameworks for human rights education and the issues of their implementation, the role of legal culture in society, the legal literacy of citizens, and the ongoing work in our country.

Key Words: human rights, legal culture, culture of human rights, democratic reforms, civil society, international law, textbooks of new generation, educational technologies.

For citation: Safarova Shahlo. IMPLEMENTATION AND INTERNATIONAL AND NATIONAL LEGAL FRAMEWORK OF EDUCATION IN THE FIELD OF HUMAN RIGHTS. Journal of Law Research. 2018, 7 vol., issue 2, pp. 72-79

Демократик тамойилларга асосланган янгича фикрловчи жамиятни қуриш, албатта янги давлат учун ҳар томонлама чуқур ўйланган ташкилий, ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади. Бу жараёнда ўз ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда мажбуриятларини нафақат яхши билувчи, бу ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошира оладиган ва ўз мажбуриятларига виждонан ёндашадиган, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қила оладиган кўникмага эга бўлган юксак ҳуқуқий маданиятли, кучли фуқаролик позициясига эга бўлган инсонлардан ташкил топган жамиятни шакллантириш ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида шундай деган эди: "... Бош қомусимизнинг ҳар бир моддаси биз учун дастуриламалга, ҳаётимиз қоидасига айланиши зарур. Бунинг учун Асосий қонуимизни умумтаълим мактабларида, олий ўқув юрғларида, маҳалла ва меҳнат жамоаларида тизимли равишда ўрганиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқишимиз керак.

Биз жамиятимизда шундай ҳуқуқий маданиятни шакллантиришимиз керакки, унга мувофиқ Конституция ва қонунларга амал қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбурият эмас, балки кундалик қоида ва одатга айланиши шарт".[1]

Ҳозирги кунда мамлакат таълим тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда. Нафақат таълим тизимида, балки ҳамоҳанг равишда давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимида ҳам амалга ошириляётган ислохотларда демократик тамойиллар асосидаги янги фанлар ёш авлодни дунёқарашини ўзгартиришда катта роль ўйнамоқда.

Мамлакат ҳаёти тубдан ўзгара бошлаган мустақиллик йилларида, барча соҳалар каби таълим тизимида ҳам бозор иқтисодиёти талаблари асосида янги йўналишлар, мутахассислар, ўқув курслари, фанлар ташкил этилди ва улар доимий равишда такомиллаштириб борилмоқда.

Ана шундай ўқув курслари қаторида, мустабит тузум пайтида таълим тизимимиз учун нотаниш бўлган инсон ҳуқуқлари масаласи ва унинг узлуксиз таълим тизимига киритилиши мамлакатдаги ислохотларда, давлат ва жамиятни модернизация қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган омилардан бири бўлди.

Инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлаш амалиётининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг самарали рўёбга чиқарилиши муайян омилар мажмуига боғлиқ бўлиб, улар орасида фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти муҳим ўрин тутди.[2, Б.286] Бинобарин, маданият, бу бевосита жамиятдаги муайян жараёнлар асосида доимий равишда ўзгариб, такомиллашиб борувчи ҳаётий

билимлар ва кўникмалар ва уларнинг мажмуини ташкил этар экан, "Инсоннинг ўз ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг миллий ва халқаро органлар томонидан ҳимоя қилиниш усуллари ва воситалари тўғрисидаги билимлари мажмуи, уларга ўз хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида муносабатда бўлиш "инсон ҳуқуқлари маданияти" тушунчаси" [3, Б.286] ни ташкил этади.

Кўп ҳолларда жамиятда "ҳуқуқий маданият" ва "инсон ҳуқуқлари маданияти" деган тушунчалар бир хил тушунчалар деган фикрлар мавжуд.[4, Б.161]

"Ҳуқуқий маданият" тушунчасини таҳлил қилишда, бу тушунча ўз ичига ҳуқуқ, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий муносабатлар, қонунийлик, ҳуқуқий тартиб, ҳуқуққа риоя этиш, инсон ҳуқуқлари, каби элементларни қамраб олишини таъкидлаб ўтиш даркор.

Давлатнинг демократик ривожлантиришда аҳоли орасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш долзарб аҳамият касб этади ва фуқаролик жамиятининг муҳим ва ҳал қилувчи омили ҳисобланади. Ҳуқуқий маданиятнинг шаклланишини таҳлил қилишда, унинг таркибий қисми ҳисобланган "инсон ҳуқуқлари маданияти" тушунчасига ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, бу тушунча ҳуқуқий маданиятни ҳам қамраб олиши билан бирга, ҳуқуқшуносликдан ҳам кенгроқ даражадаги муносабатлар, гоёлар, қарашларни қамраб олади ва жамият ривожланишининг бугунги босқичида "Инсон ҳуқуқлари маданияти", деган, янги категорияни муомалага кириб келганлигини билдиради.[5, Б.280]

Ўз навбатида инсон ҳуқуқлари маданияти фақатгина юридик тушунча бўлиб қолмайди. Инсон ҳуқуқлари маданияти асосида инсон шахсиятининг қадр-қиммати гоёси ётади-ки, уни таъсифлаганда, унинг асосида ахлоқий-маънавий жиҳатлар устунлик қилишини алоҳида таъкидлаш лозим. Инсон ҳуқуқлари маданияти шахс, жамият ва халқаро муносабатларни янада инсонпарварлаштиришга қаратилган чора-тадбирларининг кўрсаткичи ҳисобланади.

"Маданият" (лотинча "cultura" сўзидан олинган бўлиб - "ишлов бермоқ", "қайта ишламоқ" маъносини беради) - муҳитни қайта ўзгартиришга йўналтирилган турмуш ва онгнинг барча соҳаларидаги инсониятнинг ижтимоий-прогрессив ижодий фаолиятидир. [6, Б.53]

Инсон ҳуқуқлари маданияти деганда, биз жамиятнинг ҳар бир аъзоси ва шахслар гуруҳининг, ўз жамиятида тўла ҳуқуқли аъзоси ва аъзолари сифатида мамлакатдаги қонунчиликда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини мукамал билиши, уларни амалга ошира олиши, бошқалардан уларга риоя этилишини талаб эта олиши ҳамда ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний механизмлар воситасида амалга ошира олиш кўникмаларига эга бўлиши билан бир қаторда бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиши, ўз мажбуриятларини виждонан бажариши, шунингдек, ўзининг ва бошқаларнинг инсон ҳуқуқларини бузадиганларга нисбатан муросасиз хулқ-атворда бўлишда ифодаланадиган фаолиятини тушунамаиз.

Мазкур тушунчадан келиб чиққан ҳолда, айтишимиз мумкинки, биринчи навбатда, инсон ва унинг ҳуқуқлари бу - олий қадриятдир, инсонни жамиятдаги мавжудотлар ичида энг улуғи эканлигини ҳис этиши, яшаши, муносиб ҳаёт кечириши учун муайян мезонларга амал қилиши лозимлигини англаб этиши, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши учун маълум талабларга жавоб бериши муҳимлигини идрок этиши натижасида шахснинг умумий маданияти юзага келади.

Демак, инсон ҳуқуқлари маданияти ўз моҳиятига кўра инсон ҳуқуқларига доир нормаларни мукамал билишни, амалий фаолиятда уларга оғишмасдан риоя қилишни, шахс ҳуқуқларига ҳурмат муносабатида бўлишни, инсон ҳуқуқларини бузувчиларга мурасасиз хулқ-атворда бўлишни кўзда тутади.

Инсон ҳуқуқлари маданиятининг таркибий қисмлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- жамиятда ҳуқуқий онгнинг ҳолати, яъни ҳуқуққа оид билим ва тушунишнинг, қонун талабларини талабчанлик билан бажарилишининг заруриятини англашнинг даражаси;

- қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни таъминлашнинг ҳолати;

- қонунчиликнинг ҳолати, унинг мазмун ва шаклини такомиллаштириш;

- суд, прокуратура ва ҳуқуқни қўллаш билан шуғулланувчи органларнинг ҳуқуқ соҳасидаги амалий фаолиятининг ҳолати;

- инсон ҳуқуқлари таълимининг даражаси.[7, Б.281]

Бугунги кунда, мамлакатда инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келувчи салбий ҳолатларнинг олдини олиш, инсон ҳуқуқларини мукамал даражада ҳимоя қилиш, инсон учун энг муносиб турмуш тарзини, фаровон ҳаёт шароитини яратиш бериш мақсадида давлат томонидан инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Мазкур масалага "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да ҳам алоҳида эътибор қаратилди ва унда шундай дейилади: "...Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга. Ушбу дастур, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этиши керак.[8]

Демак, мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш баробарида инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Мамлакатда инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши билан боғлиқ ишларнинг нечоғлиқ самарадорлиги, унинг ўзига хослиги биринчи навбатда, давлат органлари ва мансабдор шахсларининг фуқаролар ва уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига бўлган муносабатида ўз ифодасини топади. Шунингдек, аҳоли мазкур ҳолатга баҳо бериши биринчи навбатда, давлат органлари, айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятига эътибор қаратади.

Шунинг учун ҳам, давлат ва назорат органлари фаолиятида инсон ҳуқуқларига нисбатан ҳурматни шакллантиришда, давлат органларининг мансабдор шахслари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ҳуқуқий маданият ва унинг таркибий қисми ҳисобланган инсон ҳуқуқлари маданияти, демократик, ҳуқуқий давлатнинг ажралмас қисми ҳисобланар экан, мамлакатда бундай давлатчиликни қуриш ва уни мустаҳкамлаш кўп жиҳатдан, ҳуқуқий таълимнинг, шу жумладан инсон ҳуқуқлари бўйича таълимнинг қай даражада эканлиги билан боғлиқдир.

Чунки, инсон ҳуқуқлари маданияти, инсоннинг шаъни, кадр-қиммати ҳамда инсон шахсига оид қадриятларни ўрнатиш бўйича тизимли, босқичма-босқич ва

тўхтамайдиган саъй-ҳаракатлар ҳисобланар экан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим, бу - инсон ҳуқуқлари бўйича билим ва кўникмаларни сингдириш ва нуқтаи-назарни шакллантириш; бу билимлардан ҳабардор қилиш, уларни ўқитиш ва тарқатиш йўли билан инсон ҳуқуқлари бўйича умумий маданиятни яратишга қаратилган тизим ва мақсадга йўналтирилган саъй-ҳаракат ҳисобланади. [9, Б.5]

Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим қуйидагиларга қаратилган:

- инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига ҳурматда бўилиш муносабатини мустаҳкамлаш;

- инсон шахсини ҳар томонлама ривожлантириш, фуқароларда инсон шаъни, қадр-қиммати ҳиссини шакллантириш;

- эркаклар ва аёлларнинг ва барча миллатлар, туб аҳоли, ирқий, миллий, этник, диний ва тил гуруҳлари ўртасида ўзаро тушуниш, багрикенглик, тенглик ва дўстлик муносабатларига ёрдам бериш;

- барча инсонлар учун жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида самарали иштирок этишига имкониятларни таъминлаб бериш;

- тинчликни қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро ва миллий ташкилотлар фаолиятига кўмаклашиш.[10, Б.5]

Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимнинг асосий мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

биринчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимнинг мақсади ва мазмунини умумий ташунишга ёрдам бериш;

иккинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимга тааллуқли минимал стандартларни биринчи ўринга чиқаришни илгари суриш;

учинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бўйича миллий режалар ишлаб чиқиш, амалга ошириш, баҳолаш ва ўзгартириш учун зарур бўлган жараёнлар, қадамларни белгилаш;

тўртинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълими бўйича миллий ёндашувларни ишлаб чиқиш учун зарур бўлган инсон, молия ва техника ресурсларига эътиборни жалб этиш;

бешинчидан, инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи миллий ва халқаро ташкилотларнинг самарали ўзаро ҳамкорлигини рағбатлантириш ва миллий даражада инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни амалга оширишга ёрдам бериш;

олтинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимнинг мақбул бўлган мақсадлари ва уларга эришишнинг даражаларини баҳолаш учун механизмларни яратиш. [11, Б.5]

Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим қуйидаги кўникмаларни шакллантиришга имкон туғдириши керак:

- ирқи, миллий ёки этник келиб чиқиши, жинси, дини, ёши, ижтимоий келиб чиқиши, жисмоний ёки руҳий соғлиги ва бошқа шу каби белгиларга асосланган камситишларга қарши курашни ҳамда бундай белгилар асосидаги турфа хилликни ҳурмат қилиш ва тушунишга;

- камситилмайдиган тиллар бўйича ифодалаш ва камситилмайдиган ҳулқ-атворни ишлатишга;

- фикрлардаги турфа хилликни ҳурмат қилиш ва тушунишга;

- кундалик ҳаётда инсон ҳуқуқларига оид нормаларни жорий этишга;

- малакали ўқитувчиларни тайёрлашга;

- инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни самарали амалга ошириш учун зарур миллий имкониятлар ва билимни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга;

-замонавий ахборот ва педагогик технологиялар ёрдамида таълим тизимида янги инновацияларни қўллаш орқали таълим сифатини оширишга.

Умуман олганда, XX асрнинг 90-йиллари ва XXI асрнинг бошларида инсон ҳуқуқлари таълими масаласига нафақат миллий даражада, балки халқаро миқёсда ҳам катта аҳамият қаратила бошланди. Чунки, инсон ҳуқуқларининг умуминсоний қадрият сифатидаги аҳамиятига катта эътибор билан қарай бошланди. Айниқса, 1993 йили Вена шаҳрида бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференцияси ва унинг натижалари бўйича қабул қилинган Вена Ҳаракат режаси, БМТ томонидан 1995–2004 йилларни инсон ҳуқуқлари таълимининг ўн йиллиги, 2008 йили Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигини кенг миқёсда нишонланиши, БМТ томонидан 2009 йил - Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим халқаро йили, деб деб эълон қилиши ва бу соҳаларда халқаро ва миллий миқёсларда олиб борилган чора-тадбирлар бунинг яққол далили ҳисобланади. Халқаро ҳуқуқ устуворлигини эътироф этган ва халқаро ҳуқуқий жараёнларда фаол иштирок этувчи суверен мамлакатимиз ҳам мазкур халқаро жараёнларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Ўзбекистонда таълим тизимини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992), Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни (1997), "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" (1997) умуммиллий кўламадаги асосий ҳужжатлар сифатида белгилаб олинган бўлса, шу жумладан ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, шу жумладан инсон ҳуқуқлари таълими соҳасида "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг Миллий дастури" (1997), Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши муҳим, специфик хусусият касб этади.

Шу ўринда, инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришдаги дастлабки қадамлардан бири сифатида, 1996 йилнинг 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида биринчи Президент И.Каримовнинг "Инсон ҳуқуқлари" ўқув курсини барча олий ўқув юртлиари ўқув дастурларига киритиш гоёсини илгари сурганлигини алоҳида қайд этиш керак. [12, Б.136]

Мамлакатда инсон ҳуқуқлари маданиятини янада юксалтиришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йилда қабул қилинган "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури" [13] ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январда қабул қилган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойишининг аҳамияти нечоғли юксак эканини алоҳида эътироф этиш лозим. Чунки, мазкур Миллий дастур ва фармойишнинг асосий вазифаси, мамлакатда узлуксиз конституциявий ҳуқуқий таълим тизими яратиш орқали, жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, демократик қадриятларга асосланган фуқаролик жамиятининг тўғри фикрлайдиган, комил аъзосини шакллантириш ҳисобланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони асосида эълон қилинган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масаласига жиддий эътибор қаратилди. Жумладан, Ҳаракатлар стратегиясининг "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 97 ва 98-бандларида, "фуқаро,

жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини янада юксалтириш, давлат органлари ходимлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш самарадорлигини таъминловчи механизмларни такомиллаштириш ва бу борадаги муносабатларни тартибга солиш имконини берадиган янги Миллий Дастан лойиҳасини тайёрлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш вазифалари белгиланган".[14]

Шу ўринда, алоҳида таъкидлаш лозимки, 2018 йил 5 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги фармони [15]да ҳам инсон ҳуқуқлари таълимига алоҳида эътибор қаратилди ва мазкур йўналишда ҳам қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳуқуқий давлат куришда муҳим омил сифатида инсон ҳуқуқлари бўйича таълимни янада ривожлантиришда фикримизча қуйидаги тақлифларни илгари суриш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш ва уни такомиллаштириш бўйича алоҳида чора-тадбирлар дастурини қабул қилиш;
- барча таълим муассасаларида, таълим босқичларини ҳисобга олган ҳолда, инсон ҳуқуқлари бўйича махсус дарсларни ташкил этиш;
- инсон ҳуқуқлари соҳасидаги илмий тадқиқотчиликни ривожлантириш;
- инсон ҳуқуқлари бўйича таълим жараёнида янги педагогик ва технологик технологиялардан самарали фойдаланишга эришиш;
- инсон ҳуқуқлари таълими бўйича интернетда ихтисослашган веб-сайтлар тайёрлаш ва ОАВларида махсус кўрсатувларни ташкил этиш;
- олий таълимнинг магистратура тизимида инсон ҳуқуқлари бўйича мутахассислик очиш;
- инсон ҳуқуқлари бўйича янги авлод дарсликларини яратиш, инсон ҳуқуқларига оид фанлар бўйича электрон ва мультимедиа дарсликлари ҳамда электрон ресурсларни яратиш ва уларни доимий равишда янгилан бориш.

Иқтибослар/Сноски/references

